

Қарақалпақстан Республикасы Министрлер Кеңеси Баслығы Қ.Р.Сариевтиң 2018-жыл 24- август күни Қоңырат районында өткерилген «Мийнет ярмаркасы»нда шығып сөлеген сөзи

Ассалому алайкум,

Хурматли тадбир қатнашчилари!

Бугунги тадбиримизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси ўринбосари Алишер Атаханович, Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори, Давлат солиқ бошқармасы бошлиғи ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар қатнашмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасы, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, “Хунарманд” бирлашмасы Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ва Қўнғирот туман ҳокимининг ўринбосарлари ҳамда ҳудуддаги йирик корхоналар қатнашмоқда.

Бугунги тадбиримиз Аҳоли бандлигини таъминлаш учун ёш тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотлар кўргазмасини ташкиль етиш ҳамда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида ендигина коллежни тамомлаган ёш битирувчиларни ишга жойлаштириш ва ўз бизнесларини очишга кўмаклашиш мақсадида ўтказилмоқда.

Ярмакада ҳудудимиздаги 16 та шаҳар ва туманлардан ўқишни тамомлаган мингдан ортиқ ёшлар, ҳарбий хизматни ўтаган йигитлар, уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар ва аҳолининг еҳтиёжманд қатламлари иштирок етмоқда.

Бугунги меҳнат ярмаркасида шаҳар ва туманлардаги 1минг 900 дан ортиқ корхона ва ташкилот, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг фаолият йўналишларига доир кўргазмалар шунингдек, 500 минг сўмдан 2 млн.сўмгача бўлган маош бериладиган 3 мингдан ортиқ вакансиялар билан иштирок етмоқда.

Шунингдек, ярмакамизда ёшлар, хотин-қизлар ва касб-ҳунар колледжи битирувчиларига Республикамиздаги 13 та тижорат банк филиаллари томонидан “Ҳар бир ойла тадбиркор” дастури ва “Йошлар келажагимиз” Давлат дастури

доирасида ҳамда бошқада имтиёзларда бериладиган кредитлар, муваффақиятли кичик бизнес лойиҳаларини тақдим етиш бўйича кўргазмали тақдимотлар ташкиль етилган.

Ҳурматли тадбир қатнашчилари!

Бугунги Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган меҳнат ярмаркасида, ўзингизга муносиб мақбуль келадиган ишга жойлашишда, шунингдек давлатимиз томонидан ёшларимизга яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланишингизга зафарлар тилайман.

Е'тиборингиз учун раҳмат!

Шу муносабат билан, бугунги тадбиримизди очиқ деб е'лон қиламан!

Шунингдек, Янги иш ўринларини ташкиль етиш, иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик суб'ектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва банд бўлмаган аҳолини, айниқса касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги

“2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3506-сон қарори қабуль қилинди.

Ушбу қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикасида жорий йил давомида жами

16 минг 427 та янги иш ўринларини ташкиль етиш режелаштирилган.

Жумладан:

иқтисодиёт тармоқларида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва фаолиятини кенгайтириш орқали 8 минг 23 та;

инвестиция лойиҳалари ва аввал хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш “йўль харита”ларини амалга оширишда ҳисобидан 360 та;

қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, кўп қаватли турар-жойлар ва йўл-муҳандислик инфратузилма қурилиши ҳисобидан 1 минг 845 та;

ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан 724 та;

кичик корхона ва микрофирмаларни ташкиль қилиш ривожлантириш ҳисобидан 5 минг 475 та, шундан миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобидан 1 минг

221 та янги иш ўринларини ташкиль етиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Нукус шаҳар ва туманлардаги бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан 1 минг 239 нафар ишсизларни касбга қайта ўқитиш, 7 минг нафардан ортиқ фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш бандлигини таъминлаш ва 355 нафар ишсиз фуқароларга ишсизлик нафақасини тайинлаш белгиланган.

Бугунги кунда, Нукус шаҳар ва туманлардаги жами 1857 та корхоналар, ташкилот

ва муассасаларида 2207 та бўш иш жойлари мавжуд бўлиб.

Шундан:

1750 та корхоналар, ташкилот ва муассасаларида 1806 та;

107 та хусусий корхоналар ва жамиятларда 401 та олий, ўрта махсус ва бошқа маълумотлилар учун бўш иш жойлари мавжуд.

Етиборларингиз учун раҳмат!